

Сафдан ташқарида ёлғиз намоз ўқиш масаласи



17:00 / 26.12.2021 3250

Вобиса розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам сафнинг орқасида ёлғиз ўзи намоз ўқиётган одамни кўрдилар ва уни намозни қайтадан ўқишга амр қилдилар».

Абу Довуд, Аҳмад ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадисда киши жамоат намозидаги барча сафлардан кейинги, охириги қаторда ёлғиз ўзи қолиши яхши эмаслиги таъкидланмоқда. Агар бир киши сафга сиғмай қолса, яна бошқа одам келиши эҳтимоли узок бўлса, бундай ҳолда охириги сафдан бир кишини секин тортиб, икковлари саф бўлишлари маъқул.

Жумхур уламолар «Бу ҳадисдан агар бир одам сафдан ташқарида ёлғиз ўзи намоз ўқиса, намози қабул бўлмайди, деган гап келиб чиқмайди. Бу ердаги намозни қайта ўқиш ҳақидаги амр мажбурий эмас, намознинг нуқсонли бўлишини таъкидлаш учун айтилган, холос», деганлар.

Бу ҳукмни қуйида келадиган ҳадис ҳам қувватлайди.

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Масжидга кирсам, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ қилиб турган эканлар, сафга етмасдан, мен ҳам рукуъ қилдим. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ ҳирсингни зиёда қилсин, қайта бундай қилма», дедилар».

Абу Довуд ва Бухорий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абу Бакра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бир ракат намозни топиб қолай, сафга тургунимча у зот руқудан бошларини кўтариб қолишлари мумкин, деб, савобга ҳирс қўйиб, сафга турмасданоқ намозни ният қилган эканлар.

Аллоҳ таоло ортларидаги нарсани ҳам кўриш хусусиятини берган зот – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда туриб, бу ҳолни билдилар. Сўнг намоздан кейин Абу Бакра розияллоҳу анҳуга Аллоҳ савобга ҳарислигингни зиёда қилсин, аммо сафга етмай туриб, намозга ният қилишни иккинчи бор такрорлама, дедилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Бакра розияллоҳу анҳуга «намозни қайта ўқи» демаганлари сафдан ташқарида ёлғиз намоз ўқиган одамнинг намози нуқсонли бўлса-да, қабул қилинишини кўрсатади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди